

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.28.03.2018.К/Т.04.02
РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ХАКИМОВА ФАЗИЛАТ АБДУСОБИРОВНА

**ХРОМАТОГРАФИЯ УСУЛЛАРИНИ ҚЎЛЛАГАН ҲОЛДА
ON-LINE РЕЖИМИДА БОЖХОНА ЭКСПЕРТИЗАСИНИ
АВТОМАТЛАШТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ МЕХАНИЗМИ**

02.00.09 -Товарлар кимёси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Хакимова Фазилат Абдусобировна

Хроматография усулларини қўллаган ҳолда on-line режимида божхона
экспертизасини автоматлаштиришнинг ташкилий механизми..... 3

Хакимова Фазилат Абдусобировна

Организационный механизм автоматизации таможенной экспертизы в
режиме on-line с применением хроматографических методов..... 27

Khakimova Fazilat Abdusobirovna

Organizational mechanism of automation of customs expertise in the on-line
mode with application of the methods of chromatography..... 51

Эълон килинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 55

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.28.03.2018.К/Т.04.02
РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ХАКИМОВА ФАЗИЛАТ АБДУСОБИРОВНА

**ХРОМАТОГРАФИЯ УСУЛЛАРИНИ ҚЎЛЛАГАН ҲОЛДА
ON-LINE РЕЖИМИДА БОЖХОНА ЭКСПЕРТИЗАСИНИ
АВТОМАТЛАШТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ МЕХАНИЗМИ**

02.00.09 -Товарлар кимёси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Т383 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент кимё-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз(резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифада www.tkti.uz манзилига ҳамда «ZiyoNET» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Пулатова Лола Таирхановна,
техника фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Хўжаев Вахобхон Умарович
кимё фанлари доктори

Сманова Зулайхо Асаналиевна
кимё фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Андижон давлат университети

Диссертация химояси Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSc.28.03.2018.К/Т.04.02 рақамли илмий кенгаш кенгаш “___” _____ 2018 йил соат “___” даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент ш., Шайхонтохур тумани, А.Навоий кўчаси, 32-уй. Тел.: (+99871) 244-79-21; факс: (+99871) 244-79-17; e-mail: tkti_info@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент кимё-технология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100011, Тошкент ш., А.Навоий кўчаси, 32-уй. Тел.: (+99871) 244-79-21).

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ да тарқатилган.
(2018 йил «__» _____ даги ___ - рақамли реестр баённомаси)

Ш.А.Муталов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, к.ф.д.

Х.Л.Пулатов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш котиби, т.ф.н., доцент

Д.А.Рахимов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, к.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда ривожланган мамлакатлар божхона эксперт лабораториялари фаолиятини такомиллаштиришнинг асосий мезони сифатида товарларнинг қандай гуруҳларга мансублигини аниқлаш имконини берувчи самарали экспресс-анализ усуллари ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу муносабат билан ушбу давлатларда иқтисодий мустақилликни ҳимоя қилиш ҳамда контрафакт ва гиёҳванд моддаларни ноқонуний айланишига қарши кураш орқали давлат хавфсизлигини таъминлаш каби стратегик масалаларни ҳал этишда автоматлаштирилган ахборот тизимлари билан уланган, компьютерлашган хроматографик ажратиш услубларини ишлаб чиқиш алоҳида вазифа сифатида белгиланади.

Жаҳонда божхона чегараси орқали ҳаракатланаётган кимёвий моддаларнинг идентификациясини амалга ошириш ва ушбу жараёнларни назорат қилиш учун физик-кимёвий услубларни такомиллаштиришга қаратилган кенг кўламли илмий изланишлар олиб борилаётган бўлиб, бу изланишлар натижаси ўз навбатида хавфни бошқариш тизими ва ахборот факторларини аниқлаш имконини беради. Шу муносабат билан, экспертиза лабораторияларида номаълум моддаларнинг структурасини масс спектридаги фрагмент ионлар сигналлари орқали аниқлаш имконини берувчи масс селектив детекторли хроматографик услубларни қўллаган ҳолда илмий тадқиқотлар олиб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда республикамизнинг кимё саноатига инновацион технологияларни жорий қилиш, божхона чегаралари орқали олиб кирилаётган товарларнинг сифат ва миқдор кўрсаткичларини юқори самара берадиган физик-кимёвий услубларни қўллаган ҳолда аниқлашга, шунингдек, божхона экспертизасини on-line тартибида ўтказиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «... экспорт фаолиятини либераллаштириш ва соддалаштириш, экспорт таркибини ва географиясини диверсификация қилиш, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларнинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш ва сафарбар этиш»¹ вазифаларидан келиб чиққан ҳолда эркин иқтисодий зоналар, технопарклар ва кичик саноат зоналарини ташкил этиш, хроматографик таҳлил усуллари автоматлаштирилган бошқарув тизими билан интеграциялаган ҳолда on-line режимида моделлаштириш бўйича илмий изланишларни ташкил этиш муҳим ўрин тутди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 12 апрелдаги ПФ-5414-сонли «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари фаолиятини

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари ҳамда 2018 йил 12 апрелдаги ПҚ-3665-сонли «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VII. «Кимё технологиялар ва нанотехнологиялар» ҳамда IV. «Ахборот ва ахборот-коммуникацион технологияларни ривожлантириш» устивор йўналишларига мос равишда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Божхона органлари фаолиятларини on-line режимида автоматлаштиришнинг ташкилий механизмини қўллаган ҳолда такомиллаштириш, физик кимёвий услубларни божхона экспертизасига татбиқ этиш юзасидан дунёнинг бир қатор мамлакатлари илмий марказларида, жумладан Centre of science UNIPASS (Корея), Company of NACCS (Япония), Россия божхона академияси, ACS (АҚШ) ва Shanghai customs college (ХХР) илмий изланишлар олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда узоқ чет эл олимларидан M.W. Dong (АҚШ), L.A. Buch (АҚШ), J.A. William (АҚШ), T.K. Michael (Англия), Xu Chunxiu (Хитой), P.J. Entwisle (Германия), J.O. Omamogho (Япония), Россиялик олимлардан П.В. Афонин, И.К. Сальников, С.А. Савчук, Д.В. Ярошенко, Я.И. Яшин, А.Я. Яшин, В.Д. Гладилович, Е.П.Подольская, А.А. Формановский, Е.В. Бабанова, Н.В. Веселовская, Б.Н. Изотов, М.Л. Рабинович, Е.С. Бродский, В.В. Ерофеевлар кенг қўламли изланишлар олиб борган бўлиб, хусусан улар томонидан турли хроматографик колонкаларда ушлаб туриш вақти параметрларини унификациялашнинг оптимал шартларини аниқлаш ва маълумотлар базасини ташкил этиш учун олинган маълумотларни автоматик қайта ишлаш соҳасида юқори натижаларга эришилган.

Ўзбекистонда божхона экспертизаси фаолиятини физик-кимёвий таҳлил услублар билан автоматлаштирилган бошқарув усулларини интергациялаган ҳолда ташкил этиш муамаолари юзасидан И.Р. Асқаров, Л.Т. Пулатова, Қ.М. Каримқулов ва бошқалар томонидан илмий ишлар олиб борилиб, сезиларли натижаларга эришилган. Улар томонидан олинган натижалар шуни кўрсатадики, божхона органлари фаолиятига компонентларни хроматографик ажратиш натижасида олинган маълумотларни автоматлаштирилган қайта ишлаш тизими билан уйғунлашган ҳолда жорий этиш божхона қоидалари бузилиши билан боғлиқ хавф- хатарлар олдини олиш ва бошқариш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишга имкон беради.

Шу билан бирга, кейинги йилларда божхона органлари фаолиятининг муҳим қисми бўлган божхона тўловлари йиғилувчанлигига сезиларли таъсир эувчи омиллардан бири бўлган товарларни Ўзбекистон Республикаси ТИФ

ТН талабларига мувофиқ идентификациялаш ва синфлаш билан боғлиқ ҳолатлар бир мунча муракабликларни келтириб чиқармоқда. Шу муносабат билан, хроматография усуллари кўллаган ҳолда божхона экспертизасини on-line режимда ишловчи «ягона ойна» тизими орқали жорий этиш муаммосини ҳал этиш мақсадида давлат божхона органлари фаолиятига ахборот технологияларини кенг қўллаган татбиқ этиш юзасидан тадқиқотлар бугунги кунда ҳам давом эттирилмоқда.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти Олий харбий божхона институти илмий иш режасининг БВ-М-Ф7-001 «Синтетик каннабионид спайслар ва антидепрессантларни аниқлаш учун токсикологик ва иммунологик маркерларни ўрганиш» амалий гранти доирасида бажарилган (2017-2018 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади божхона экспертизасини on-line режимда ўтказиш сифатининг автоматлаштирилган бошқарув тизими модел ва алгоритмлари билан уйғунлашган хроматографик таҳлил усуллари ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

келиб чиқиши ўсимлик бўлган объектларга қўшилган турли хил синтетик каннабиноидлар «спайслар»нинг хроматографик ажратиш бўйича олинган натижаларга асосан, назоратдаги объектни маълум бир классификация гуруҳларига мансублигини аниқлашга имкон берадиган характерли кўрсаткичларини аниқлаш;

ўрганилиётган синтетик каннабиноидлар «спайслар» намуналарини идентификациялашда автоматик режимда амалга оширилиётган газ-хромато-масс-спектрометрик таҳлилнинг ишончли мезонларини аниқлаш;

Ўзбекистон Республикаси давлат божхона қўмитасининг ҳудудий лабораториялари ўртасида тизимли таҳлилий маълумот алмашилиш моделини ишлаб чиқиш, синтетик каннабиноидлар «спайслар»нинг божхона экспертизаси учун ушлаб туриш бўйича белгиланган вақти ҳамда стандарт ва ишчи моддалар газ-хромато-масс-спектрларининг (ГХ/МС) маълумотлар базасига фойдаланувчилар on-line режимида уланиш имкониятини берувчи алгоритмларини яратиш;

божхона экспертизасини ташкил этиш бўйича автоматлаштирилган ахборот тизимини яратишнинг халқаро тажрибасини ўрганиш ва божхона экспертизаси маълумотларини қайта ишлаш, бошқаришнинг кўп поғонали тақсимланган ахборот тизимига қўйиладиган асосий мезон ва талабларини ишлаб чиқиш;

товарларнинг ТИФ ТН кодларини кимёвий таркиб асосида синфлаш, рўйхатга олиш ва ахборотни бошқариш алгоритмларини ишлаб чиқиш;

хроматографик ажратиш давомида олинган эксперт тадқиқотлари маълумотларини қайта ишлашни бизнес-жараёнларнинг ахборот IDEF-моделларини қўллаган ҳолда такомиллаштириш;

хроматография усуллари кўллаган ҳолда on-line режимда божхона экспертизасини автоматлаштиришнинг алгоритмларини амалга оширадиган маълумотлар базаси ва бошқарув тузилмасини ишлаб чиқиш;

божхона экспертизаси ахборотларини тўплаш, қайта ишлаш, қарорлар қабул қилиш ва соҳанинг башоратли кўрсаткичларини оптималлаштириш учун ягона маълумотлар базасининг факторли таҳлилинини олиб боришнинг автоматлаштирувчи дастурий таъминотни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти синтетик каннабиноидлар – «спайслар» ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитасида божхона экспертизасини расмийлаштиришни ташкил этиш жараёнлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети Ўзбекистон Республикаси божхона борганларининг божхона экспертизасини on-line режимда ташкил этишга хизмат қилувчи кўп поғонали тақсимланган ахборот тизимида қарорлар қабул қилишни кўллаб-қувватлашнинг хроматографик усуллари, моделлар, алгоритмлар ва дастурий воситалар.

Тадқиқотнинг усуллари. Товарларни кимёвий таркиби асосида синфлаш ва сертификатлаш, хроматография усуллари, ахборотни моделлаштириш, кўп поғонали тақсимланган бошқариш тизимлари, маълумотларга ишлов бериш усуллари, товарлар экспертизасини назорат қилиш, рўйхатга олиш ва баҳолаш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

газ-храмо-масс-спектрлаш усуллари кўллаш орқали ноқонуний айланишдан олиб қўйилган намуналар сифатидаги синтетик каннабиноидлар – «спайслар» синфига кирувчи номаълум наркотик воситаларни идентификациялаш масаласини ечиш учун ёндашувлар ишлаб чиқилган;

устуворлик берилган товарлар гуруҳи учун газ-храмо-масс-спектрлаш давридаги ионланиш режимини инобатга олган ҳолда хроматографик таҳлилнинг ишончлилиқ даражасини оширишга имкон берувчи усул асосланиб, бирикмаларнинг энг кам парчаланиши ва таҳлил этилаётган модда молекуляр массасидан парчаланиш иони олиниши мумкинлиги исботланган;

товарлар сифатини назорат қилиш ва тақиқланган моддаларни олдиндан аниқлаш ҳамда уларни хроматографик ажратиш асосида автоматик рўйхатдан ўтказиш имконини берувчи on-line тартибда божхона экспертизасини автоматлаштиришнинг ташкилий механизмлари такомиллаштирилган;

божхона экспертизасини ташкил этишда вақт тежамкорлиги ҳамда иқтисодий самарадорликка эришишни таъминловчи автоматлаштирилган тезкор бошқариш алгоритмлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

бир хил ионлашув шартлари асосида, таҳлил этилувчи моддаларнинг ушлаб туриш вақтлари мутлоқ ўзгармас бўлган масс-спектрларини узатиш имконини берувчи, автоматлаштирилган ахборот тизими билан уйғунлашган ГХ / МС тизимини яратиш ёндашуви тақлиф этилган;

божхона экспертизаси маълумотларига ишлов бериш ва божхона тизимларини бошқаришнинг иерархик кўп поғонали тақсимланган ахборот ресурслари асосида божхона экспертизасини ташкил этишнинг функционал масалалари ахборот IDEF - моделлари ишлаб чиқилган;

«GC-5890 series II» бўлган масс селектив детекторли газ хроматографида қўлланиладиган ҳамда метрологик аттестатнинг мазмуни, тартиби ва методологиясини белгиловчи аттестатлаш дастури ишлаб чиқилган;

келиб чиқиши ўсимлик бўлган объектларда номаълум синтетик каннабиноид - «спайслар»ни аниқлаш усуллари таклиф этилган;

божхона экспертизасидан ўтказилиши мажбурий бўлган товарларни электрон декларациялашда хроматография усуллари қўллаган ҳолда божхона экспертизасини ташкил этишнинг дастурий-алгоритмик қўллаб-қувватланиши учун мўлжалланган «Божхона экспертизаси» дастурий таъминот комплексидан фойдаланиш методикаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги услубий жиҳатдан асосланган амалий ҳисоб-китоблар, божхона экспертизасининг кўп поғонали бошқариш тизимларини куришнинг назарий асосланган концепцияларини қўлланилиши, автоматик бошқариш назариясининг синалган усуллари ва алгоритмларини ишлатилиши, назарий ва амалий тадқиқотларнинг олинган натижалари ва уларнинг ўзаро мувофиқлаштирилганлиги билан таъминланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти божхона экспертизасини ташкил этишнинг назарий асосларини on-line режимида автоматлаштирилган бошқарув тизимидан оқилона фойдаланиш концепцияси нуқтаи назаридан хроматографик таҳлил усуллари билан уйғунлашган ҳолда такомиллаштириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти божхона экспертизасини ташкил этишда дастурий-алгоритмик комплекснинг sanoat эксплуатацияси ташкил этилиши оқибатида, товарлар ТИФ ТН кодларини кимёвий таркиби асосида синфлаш ва таснифлаш ҳамда қарор қабул қилиш вақти 1,57 иш кунидан 0,8 иш кунигача, яъни 48,9% га қисқартирилишига эришилган. Божхона экспертизасини ташкил этиш жараёнларини автоматлаштирилган бошқарув тизимини ишлаб чиқишда ГХ/МС- IDEF моделларининг татбиқ этилиши тадбиркорлар томонидан бир йилда товарларни божхона омборида сақлаш учун сарфланадиган 1,2 млрд. сўм маблағлари иқтисод қилинишга олиб келди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши: хроматография усуллари қўллаган ҳолда on-line режимида божхона экспертизасини автоматлаштиришнинг ташкилий механизми бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ноқонуний айланишдан олиб қўйилган намуналар сифатидаги синтетик каннабиноидлар - «спайслар» синфига кирувчи номаълум наркотик воситаларни идентификациялаш масаласини ечиш учун ёндашувлар Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг буйруғи (23.04.2016 й.; №104) билан «Божхона экспертизасини тайинлаш ва ўтказиш

қоидалари»га киритилган (Давлат божхона қўмитасининг 2017 йил 29 декабрдаги 03-05/16-10462-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг жорий қилиниши божхона экспертизаси жараёнида номаълум наркотик воситаларни дастлабки таҳлил қилиш ва хулоса тайёрлаш вақтини 4 иш кунидан 3 соатгача қисқартириш имконини берган;

хроматографик таҳлилнинг ишончлилиқ даражасини оширишга имкон берувчи усул Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг буйруғи (28.05.2016 й.; №137) билан «Божхона расмийлаштирувини амалга оширишда мажбурий тартибда божхона экспертизаси ўтказиладиган товар рўйхати»ни такомиллаштиришда фойдаланилган (Давлат божхона қўмитасининг 2017 йил 29 декабрдаги 03-05/16-10462-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг жорий қилиниши бирикмаларнинг энг кам парчаланиши ва таҳлил этилаётган модда молекуляр массасидан парчаланиш иони олиниши мумкинлиги таъминланиб, мазкур товарларнинг ТИФ ТН кодларини кимёвий таркиби асосида синфлаш ва таснифлаш ҳамда хронометраж асосида қарор қабул қилиш вақтини 1,57 иш кунидан 0,8 иш кунигача қисқартириш имконини берган;

божхона экспертизасини ташкил этишнинг функционал ахборот ГХ/МС – IDEF0 – модели Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг буйруғи (5.12.2015 й.; №311) билан «Товарларнинг божхона экспертизаси автоматлаштирилган ахборот тизими»ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Давлат божхона қўмитасининг 2017 йил 29 декабрдаги 03-05/16-10462-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг жорий қилиниши барча божхона постлари, ҳудудий божхона бошқармаларида товарларнинг божхона экспертизасини ташкил этиш жараёнида фойдаланиш йўлга қўйилиб, ушбу жараён on-line режимида электрон амалга оширилиши туфайли бир йилда 1,14 тонна қоғоз иқтисод қилинишига имкон берган;

божхона экспертизасининг автоматлаштирилган бошқаруви бўйича таклифлар божхона амалиётига жорий қилинган (Давлат божхона қўмитасининг 2017 йил 29 декабрдаги 03-05/16-10462-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг жорий қилиниши «GC-5890 series II» бўлган масс селектив детекторли газ хроматографида қўлланиладиган, метрологик аттестатнинг мазмуни, тартиби ва методологиясини белгиловчи сертификатлаш дастури божхона экспертизаси учун сарфланадиган вақтни 48,9%га қисқартириб, сарфланадиган 1,2 млрд.сўм маблағни иқтисод қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 10 та республика илмий амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан 2 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган. 2 та

алгоритм ҳамда дастурий восита Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигида рўйхатга олинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация 120 саҳифадан, кириш, учта боб ва хулоса матни, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, 23 та расм, 8 та жадвал ва 6 та иловадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Божхона экспертизасини ташкил этишнинг асосий жараёнларини автоматлаштириш объекти сифатидаги тизимли таҳлили**» деб номланган биринчи бобида боғхона экспертизасини ташкил этишнинг асосий жараёнларини автоматлаштириш объекти сифатидаги тизимли таҳлили ҳамда тадқиқ этилаётган масала ечими бўйича ривожланган мамлакатлар тажрибаси обзорига бағишланган бўлиб, хроматография усулларини қўллаган ҳолда on-line режимда боғхона экспертизасини автоматлаштиришнинг ташкилий механизминини яратиш масаласининг формаллашган қўйилиши келтирилган (1-расм).

Таҳлил шуни кўрсатдики, боғхона экспертизаси - боғхона назоратини ташкил этишнинг муҳим таркибий қисмларидан бири бўлиб, барча мамлакатлар боғхона тизими учун хроматография усулларини қўллаган ҳолда on-line режимда боғхона экспертизасини автоматлаштиришнинг ташкилий механизминини яратиш долзарб аҳамиятга эга.

Бундан келиб чиққан ҳолда боғхона экспертизасини тайинлаш тўғрисида мурожаат ёки тегишли органлар қарори ва тақдимотидан тортиб боғхона экспертизасининг товарни эркин муомалага чиқариш мумкинлиги тўғрисидаги хулосасигача бўлган, боғхона экспертизасини ташкил этиш алгоритми ишлаб чиқилди.

Шунингдек, диссертациянинг ушбу бобида Ўзбекистон Республикаси боғхона органларида илғор технологиялар асосидаги марказий маълумотлар базасига эга бўлган, хроматографик усулларни қўллаган ҳолда on-line режимда боғхона экспертизасини амалга оширишга имкон берувчи автоматлаштирилган ахборот тизими мавжуд эмаслиги, боғхона экспертизасининг амалда мавжуд тизими ташқи савдо операцияларининг бугунги кун талабларига жавоб бермаслиги ҳамда у масс селектив детекторли газ хроматограф қурилмаларидан фойдаланган ҳолда модернизация қилиш негизида ривожланишини талаб этиши асослантириб берилган.



1- расм. Божхона экспертизасини ташкил этиш алгоритми

Хроматографик усулларни қўллаган ҳолда on-line режимда божхона экспертизасини автоматлаштиришни ташкил этиш масаласи объектни автоматлаштириш параметрлар тўпламини такомиллаштириш, унинг қаторига Масс селектив детекторли газ хроматограф қурилмасини ҳам

қўшиш, натижада объектни автоматлаштириш параметрлар тўпламини куйидагича аниқлаш таклиф этилади (2-расм).



2-расм. Хроматографик усулларни қўлаган ҳолда on-line режимида божхона экспертизасини автоматлаштиришни ташкил этиш схемаси

Диссертациянинг «Хроматография усуллари қўлаган ҳолда on-line режимида божхона экспертизасини автоматлаштиришнинг ташкилий механизмини моделлаштириш» деб номланган иккинчи бобида божхона экспертизаси жараёнларини бошқариш бевосита марказий божхона лабораториясининг тузилмаси асосий вазифаларини таҳлил қилиш ва уларни ижро этиш вақтида ўзаро ахборот алмашишни моделлаштиришга асосланади. Бошқариш объекти сифатида божхона экспертизаси вазифаларини моделлаштириш учун ахборот объектларини тавсифлаш воситаси сифатида IDEF0 методологияси қўлланилади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолиятининг товарлар номенклатурасига мувофиқ товарнинг таснифланиши тўғри бўлишини назорат қилиш, уларни қайта ишлаш маҳсулотларида, интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқларга риоя этилиши учун идентификациялашда божхона экспертизаси тайинланиб, божхона кодекси ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда бундай экспертизадан ўтказилиши мажбурий бўлган товарлар рўйхати белгилаб берилган. Агар товар мажбурий экспертизадан ўтказилиши лозим бўлган товарлар рўйхатига ёки хавф гуруҳига киритилган бўлса, божхона экспертизаси бўйича экспертлар гуруҳи томонидан товарларнинг божхона экспертизаси амалга оширилади ва эксперт хулосаси божхона расмийлаштируви учун тақдим этилади.


Товарларни божхона экспертизасидан ўтказиш кўпқатламли тармоқланган жараён бўлиб, диссертация ишида унинг 3 босқичли IDEF0 ахборот модели ишлаб чиқилган (3-расм).

Булар:

- Божхона пости даражасидаги экспертиза;
- Худудий божхона бошқармаси даражасидаги экспертиза;
- Марказий божхона лабораторияси даражасидаги экспертиза.

Ушбу босқичлар самарали яқунлангач божхона расмийлаштируви бўйича мансабдор шахс томонидан товар эркин муомалага чиқарилиши мумкин.

Диссертацияда хроматография усуллари on-line режимида ишловчи автоматлаштирилган тизим билан уйғунликда қўллаш ва идентификация натижаларининг ишончлилигини таъминлаш мақсадида таҳлил натижаларини унификация қилинган метрологик параметрлар маълумотлар базаси (эталонлар базаси) билан солиштириш усули қўлланилган.



3-расм. Товарларни божхона экспертизасидан ўтказишнинг 3 босқичли тармоқланган жараёни IDEF0 ахборот модели

Бунда агар синовларнинг қайсидир натижаси ушбу сериядаги синовларнинг асосий натижаларидан кескин фарқ қилса, тест-объектлар гуруҳини қўллаш ёки экспериментнинг стандарт шароитларида муайян хатолик юзага келади. Бундай тахминни текшириш мақсадида (1) формула бўйича аниқланадиган мезон қўлланилади:

$$\tau' = \frac{y_n - y_{n-1}}{y_n - y_2} ; \quad \tau'' = \frac{y_2 - y_1}{y_{n-1} - y_1} \quad (1)$$

бу ерда $y_1, y_2 \dots y_n$ – ўсиб бориш тартибида жойлаштирилган синов сериялари натижалари; τ' – энг катта y_n натижанинг яхши сифатлилигини текширади; τ'' – энг катта y_1 натижанинг яхши сифатлилигини текширади.

Объектнинг индивидуаллигини характерлайдиган кўрсаткич миқдорий шаклда ҳисобга олинган вақтда, синов натижаси бўлиб (2) формулада кўрсатилганидай қуйидаги ўртача қиймат олинади:

$$\bar{y} = \frac{\sum y}{n} \quad (2)$$

бу ерда y – алоҳида тест-объектлар учун натижалар; n – уларнинг сони.

Ушбу n та тест-объектлардан иборат гуруҳ шунга ўхшаш тест-объектларнинг мумкин бўлган тўпламидан олинган чекланган танланма бўлгани боис, y – ҳақиқий қийматнинг бор-йўғи яқинлашган баҳоси бўлади. $P=0,95$ эҳтимол билан бу ҳақиқий қиймат қуйидаги интервалда ётади:

$$\bar{y} \pm t_p \cdot s_{\bar{y}} \quad (3)$$

$$s_{\bar{y}} = \frac{s}{\sqrt{n}} \quad (4)$$

$$s = \sqrt{\frac{\sum d^2}{n-1}} = \sqrt{\frac{\sum (y - \bar{y})^2}{n-1}} \quad (5)$$

Диссертацияда синовлар сонини ҳисобга олган ҳолда аниқ натижалар олиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Ишончли интервал ярим кенглигининг ўртача қийматга нисбати, (6) формулада кўрсатилганидай, синовлар умумий натижаларининг нисбий аниқлигини характерлайди.

$$\varepsilon = \frac{t_p \cdot s_{\bar{y}}}{\bar{y}} \cdot 100 (\%) \quad (6)$$


Метрологик сертификатлаш дастури газ, суюқ ва қаттиқ намуналардан иборат органик ва айрим ноорганик бирикмаларнинг концентрациясини ўлчаш ва бошқа ишларни олиб бориш учун модели «GC- 5890 series II» бўлган масс селектив детекторли газ хроматографида қўлланиладиган ҳамда метрологик аттестатнинг мазмунини, тартибини ва методологиясини белгиловчи аттестатлаш дастури ишлаб чиқилган бўлиб, у синтетик каннабионид наркотиклар (спайслар)ни аниқлаш учун комплекс ёндашувни ишлаб чиқишда хроматография усуллари қўлланган. Тадқиқот объекти сифатида тезкор ҳаракатлар давомида мусодара қилинган чекиладиган аралашмалар ва ўсимлик ўтларининг намуналари танлаб олинган фаол таъсир қилувчи моддаларнинг экстракцияси органик эритувчилар, хусусан хлороформ, этанол ёки метанол ёрдамида амалга оширилган.

Ўтказилган тадқиқот натижасида ўсимлик аралашмаларида мавжуд бўлган синтетик каннабиноидлар – «спайслар»нинг тадқиқ қилинаётган намуналарининг характеристикали ионлари қуйидаги 1-жадвалда ўз аксини топган:


1-жадвал

Тадқиқ қилинаётган спайс намуналарининг масс спектрларидаги характерли ионлари кўрсаткичлари


Номи	Кимёвий номи	Характеристикали ионлари (m/z)	Молекуляр формула
NM-2201	Naphthalen-1-yl-1-(5-fluoropentyl)-1H-indole-3-carboxylate	41, 89, 116, 144, 193, 232, 267	$C_{24}H_{22}FNO_2$
5F-PB-22	Quinolin-8-yl 1-pentyfluoro-1H-indole-3-8-carboxylate	41, 89, 116, 144, 193, 232, 267	$C_{23}H_{21}FN_2O_2$




4.1 расм. 5Fluoro-PB-22 Quinolin-8-yl 1-pentyfluoro-1H-indole-3-8-carboxylate нинг ИК спектри



4.2 расм. 5Fluoro-PB-22 Quinolin-8-yl 1-pentyfluoro-1H-indole-3-8-carboxylate нинг ГХ-МС таҳлили



4.3 расм. NM-2201 Naphthalen-1-yl-1-(5-fluoropentyl)-1H-indole-3-carboxylate нинг ИК спектри



4.4 расм. NM-2201 Naphthalen-1-yl-1-(5-fluoropentyl)-1H-indole-3-carboxylate нинг ГХ-МС таҳлили

Диссертациянинг «Божхона экспертизасини ташкил этишнинг on-line режимида ишловчи автоматлаштирилган ахборот тизими» деб номланган учинчи бобида диссертация ишининг 1-2 бобларида келтирилган тадқиқотлар натижасида Давлат божхона кўмитасининг «божхона пости – ҳудудий божхона бошқармаси – Марказий маҳкама» занжири бўйлаб ва тескари йўналишда реал вақт режимида маълумотларнинг тўпланиши, қайта ишланиши, сақланиши, йиғилиб борилиши, таҳлил қилиниши ва узатилишини таъминлайдиган «Божхона экспертизаси» автоматлаштирилган тизими босқичма-босқич ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган.

«Божхона экспертизаси» автоматлаштирилган тизими иши ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатурасининг боғланишларини тавсифлаш

учун ахборот матрицаларини қўллаган ҳолда божхона экспертизаси тўлиқлигининг назорат қилувчи алгоритм асосида ташкил этилган.

Агар Ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатурасида (ТИФ ТН) товарнинг кодини x_i , товарнинг номини y_i орқали белгиласак, у ҳолда ТИФ ТН учун ахборот матрицани ҳосил қиламиз (7).

Ушбу матрицанинг элементлари ахборотли эканлигидан шундай матрицалар, яъни барча элементлари ахборотли бўлган матрицалар «ахборотли матрица» дейилади.

Ахборотли матрица ТИФ ТН кодларини таҳлил қилишда муҳим рол ўйнаб, унинг ўлчамлари Ўзбекистон Республикаси ТИФ ТН ҳужжатида 11 мингга яқин товарларнинг кодини акс эттиришини ҳисобга олинса, $n=11000$ эканлиги маълум бўлади.

$$\mathcal{T}_n = \left\{ \begin{array}{l} x_1, y_1 \\ x_2, y_2 \\ \dots \\ x_n, y_n \end{array} \right\} \quad (7)$$

Худди шу сингари, агар s_i орқали ТИФ ТН бўйича x_i кодига эга бўлган товарнинг божхона экспертизасин ўтказиш шarti белгиланиб, ТИФ ТН бўйича x_i кодига эга бўлган товар учун божхона экспертизасининг тўлиқлигини таъминловчи матрица ҳосил қилинган:

$$\mathcal{T} = \{x_i, d_i, s_i\} \quad (8)$$

(7)-(8) белгилашлардан фойдаланиб ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси билан мажбурий божхона экспертизаси ўтказилиши лозим бўлган товарлар орасидаги ўзаро боғлиқликни тавсифловчи ахборот матрица ҳосил бўлади:

$$\mathcal{T} = \left\{ \begin{array}{l} x_1, y_1, s_1 \\ x_2, y_2, s_2 \\ \dots \\ x_n, y_n, s_n \end{array} \right\} \quad (9)$$

Бу ерда s_i ТИФ ТН бўйича x_i кодга эга бўлган товарнинг божхона расмийлаштируви учун божхона экспертизаси зарурлиги ёки зарур

эмаслигига қараб 0 ёки 1 қийматини қабул қилади. Бошқача қилиб айтганда, агар ТИФ ТН бўйича x_i кодига эга бўлган товарнинг божхона расмийлаштируви учун божхона экспертизаси талаб этилса, $s_i = 1$, акс ҳолда $s_i = 0$ бўлади. Ёки:

$$s_i = \begin{cases} 1, & \text{агар божхона экспертиза си талаб этилса,} \\ 0, & \text{акс холда} \end{cases} \quad (10)$$

2- жадвалда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона Қўмитасининг «Божхона экспертизаси» автоматлаштирилган ахборот тизими таркибида товарларнинг божхона экспертизаси тўлиқлигини таъминлаш учун таклиф этилган мантиқий назорат матричасига мисол келтирилган.

2- жадвал.


Божхона расмийлаштирувини амалга оширишда мажбурий тартибда божхона экспертизаси ўтказиладиган (1) ва экспертизадан ўтказилмайдиган (0) товарлар рўйхати

№	x_i	y_i	s_i
1.	0402	Қуюлтирилган ёки шакар ёхуд бошқа ширин таъм берувчи моддалар қўшилган сут ва қаймоқ (кукун, донадор ёки бошқа қаттиқ ҳолатдагиларидан ташқари).	1
2.	0404	Қуюлтирилган ёки шакар ёхуд бошқа ширин таъм берувчи моддалар қўшилган сут зардоби.	0
3.	0405	Сариёғ ва сутдан олинган бошқа мойлар ва ёғлар.	1
4.	0701	Барра ёки совутилган картофель	0
5.	0901	Кофе. Кофе пўчоғи ва кофе донлари қобиклари. Таркибида ихтиёрий пропорцияда кофе мавжуд бўлган кофе ўрнини босувчилар.	1
6.	0902	Чой.	1

Шуни таъкидлаш зарурки, (10) шартлар ТИФ ТН бўйича x_i кодига эга бўлган товарнинг божхона экспертизасининг тўлиқлигини таъминлаш бўйича мантиқий назоратнинг асосий шарти ҳисобланади.

Қуйида келтирилган 4-расмда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги меъёрий ҳужжатларига мувофиқ «Божхона экспертизаси» автоматлаштирилган ахборот тизимининг (БЭ ААТ) фаолият кўрсатиш алгоритми келтирилган.


Ушбу алгоритм Божхона юк декларацияларини электрон декларациялашга мўлжалланган АСОД ГТД ахборот тизими билан БЭ ААТ дастурининг узвий ахборот алмашиш технологиясига асосланган, яъни ташқи савдо товарларини боғхона расмийлаштируви учун боғхона юк декларацияси тақдим этилиши билан фаолият кўрсата бошлайди.



4-расм. БЭ ААТнинг фаолият кўрсатиш алгоритми

Агар расмийлаштирилаётган бирор товар учун боғхона экспертизаси талаб этилса, у БЭ ААТ маълумотлар базасига электрон мурожаатни тақдим этиш билан боғхона экспертизаси жараёни бошланади. БЭ ААТ дастури боғхона экспертизасининг барча босқичларини қамраб олган бўлиб, унинг маълумотлар базасида барча шундай экспертиза хулосалари сақланади.

БЭ ААТ нинг маълумотлар базаси ўзаро узвий боғланган 14 ахборот матрицаларидан иборат бўлиб, улар 5-расмда келтирилган.



5-расм. БЭ ААТ нинг маълумотлар базаси таркиби


Хроматография усуллари қўллаган ҳолда on-line режимида божхона экспертизасини автоматлаштиришнинг ташкилий механизмида «Божхона экспертизаси» автоматлаштириган ахборот тизими асосий ташкил этувчилардан бири бўлиб, у божхона расмийлаштируви жараёнида асосий инструментлардан бирига айланган. 4–жадвалда ва 6-расмда «Божхона экспертизаси» автоматлаштириган ахборот тизими орқали божхона экспертизасини ўтказиш бўйича келиб тушган мурожаатлар динамикаси келтирилган

4-жадвал

Йиллар мобайнидаги божхона экспертизасини ўтказиш бўйича келиб тушган мурожаатлар динамикаси

Йиллар	Божхона экспертизасини ўтказиш бўйича мурожаат хатлари сони	Ўсиш динамикаси (%)
2012	5 725	156,5
2013	8 457	147,7
2014	6 495	76,8
2015	15 746	242,4
2016	22 057	140,1
2017	25 560	115,9
Жами:	84 040	Ўртача: 137,1

Келтирилган жадвал маълумотларининг таҳлили шуни кўрсатадики, божхона экспертизасини ўтказиш бўйича келиб тушган мурожаатлар динамикаси ўртача йилига 37,1 фоизга ортиб бормоқда.



6-расм. Божхона экспертизасини ўтказиш бўйича келиб тушган мурожаатлар динамикаси

Шу билан бирга, хроматография усуларини қўллаган ҳолда on-line режимида божхона экспертизасини автоматлаштиришнинг ташкилий механизмини жорий этиш натижасида Марказий божхона лабораторияси тузилмаларининг иш самарадорлигини оширишга эришилган. 5-жадвалда ушбу самарадорлик «Божхона экспертизаси» ААТ амалиётга жорий этилмасдан аввал, «Божхона экспертизаси» ААТ амалиётга татбиқ этилгандан сўнг ҳамда «Божхона экспертизаси» ААТ ҳамда хроматография усулини on-line режимида ишловчи АТ билан уйғунликда қўллашдан сўнгги кесимларда божхона экспертизасини тақшил этиш бўйича ўтказилган хронометраж натижалари келтирилган.

Жадвалда келтирилган «Божхона экспертизаси» ААТ татбиқ этилгандан сўнг, 3-6 банд тадбирлари автоматик тарзда амалга оширилиши сабабли 7-банд ишлари товарлардан олинган намуналар (нусха) божхона экспертизаси етиб келгунга қадар амалга оширилади. Натижада божхона экспертизасини амалга ошириш жараёни учун сафланадиган вақт 48,9%га, яъни деярли 2 марта қисқарган.

**Божхона экспертизасини такшил этиш бўйича ўтказилган
хронометраж натижаларининг кўрсаткичлари**

Т/Р	Амалга ошириладиган тадбир номи	Экспертиза ўтказиш учун сарфланган вақт (минут)		
		“Божхона экспертизаси” ААТ татбиқ этилмасдан аввал	“Божхона экспертизаси” ААТ татбиқ этилгандан сўнг	хроматография усулини On-line режимида ишловчи “Божхона экспертизаси” ААТ билан уйғунликда қўллашдан сўнг
I. Товарларни божхона экспертизасидан ўтказиш учун ўрнатилган намуналар олиш				
1.	Товарлардан намуна (нусха) олиш	120	120	120
2.	Товарлардан олинган намуна (нусха) учун намуна олинганлик ҳақида далолатномани тўлдириш	30	30	30
II. Товарлардан олинган намуналарни (нусха) божхона экспертизасидан ўтказиш учун йўлланма билан юбориш ва қабул қилиб олиш				
3.	Экспертизага йўлланма хат тайёрлаш ва божхона органи бошлиғига имзолатиш	40		
4.	Йўлланма хат ва намуналарни божхона лабораториясига олиб бориб тақдим қилиш (йўлдаги масофадан келиб чиқиб ўртача)	120	124*	124*
5.	Божхона лабораториясига олиб бориб тақдим қилинган йўлланма хат ва намуналарни	15		

	журналларга киритиш (дастурга)			
6.	Божхона лабораториясига олиб бориб тақдим қилинган йўлланма хат ва намуналарни ижрочи экспертга тақсимлаш	30		
III. Экспертиза ўтказиш учун юборилган йўлланма хат ва ҳужжатларни ўрганиб чиқиш				
7.	Юкка тегишли ҳужжатларни ўрганиш	120	1*	1*
8.	Товар турига оид адабиётларни таҳлил қилиш	60	60	60
IV. Товарлардан олинган намуналар (нусха) устида божхона экспертизаси анализларини амалга ошириш				
9.	Хроматография усули учун намуна тайёрлаш	10	10	10
10.	Хроматография усулида анализ қилиш	30	30	30
11.	Хроматография усулида қилинган анализни таҳлил қилиш	30	30	3
V. Божхона экспертизаси натижалари асосида хулоса тайёрлаш ва божхона органига юбориш				
12.	Хулоса текстларини компьютерга киритиш ва тайёрлаш	30	5	5
13.	Хулосани имзолаб, йўлланма хат орқали божхона органига юбориш	120	3	3
Сарфланган умумий вақт		755	413	386

Иловаларда диссертация ишининг қўлланиш даражаси акс этган ёрдамчи ҳужжат ва материаллар келтирилган.

Диссертациянинг хулоса қисмида тадқиқот натижалари келтирилган бўлиб, асосий натижалар сифатида кўп поғонали ахборот тизимлари, ахборотли моделлаштириш назарияси, ахборотни қайта ишлаш, товарларни кимёвий таркиби асосида таснифлаш назарияси ва хроматография усуллари қўллаган ҳолда on-line режимида божхона экспертизасини автоматлаштиришнинг ташкилий механизмини яратиш усуллари ишлаб чиқилди.

Ўтказилган тадқиқотлар самараси ўлароқ қуйидаги натижалар олинди:

ХУЛОСАЛАР

1. Хроматография усулини қўллаган ҳолда божхона экспертизасини on-line режимида автоматлаштирилган бошқарув тизимининг уч босқичли ахборот модели ишлаб чиқилди. Тадқиқот объектининг таркиби ва вазифаларини гармоник тавсифлаш имкониятларидан келиб чиққан ҳолда божхона экспертизаси бизнес-жараёнларини моделлаштиришнинг IDEF0 методологиясини қўллаш мақсадга мувофиқлиги тавсия этилди.

2. Келиб чиқиши ўсимлик бўлган объектлардан ажратиб олинган синтетик каннабиноид «спайслар»ни олдиндан идентификациялаш учун ГХ / МС ионлашнинг оптимал шартлари аниқланди;

3. Ишлаб чиқилган IDEF0 методологиясини қўллаган ҳолда божхона экспертизаси бизнес-жараёнларини автоматлаштириш имконини берувчи «Божхона экспертизаси» автоматлаштирилган ахборот тизими амалиётга жорий этиш учун тавсия этилди.

4. Масс селектив детекторли газ хроматографини тўғри ишлашини таъминлаш мақсадида метрологик сертификатлаш дастури ишлаб чиқилди ҳамда Давлат божхона кўмитаси ва «Ўзстандарт» агентлигининг «ЎзНИМ» давлат корхонаси томонидан тасдиқланиб, амалиётга жорий қилиниши учун тавсия этилди.

5. Ишлаб чиқилган аттестатлаш дастурида баён этилган тартиб кетма-кетлигида синтетик каннабионид наркотикларни аниқлаш учун комплекс ёндашувни ташкил этувчи масс селектив детекторли газ хроматография усули таклиф этилди. Тадқиқот объекти сифатида тезкор ҳаракатлар давомида мусодара қилинган чекиладиган аралашмалар ва ўсимлик ўтларининг намуналари танлаб олинган фаол таъсир қилувчи моддаларнинг экстракцияси органик эритувчилар, хусусан хлороформ, этанол ёки метанол ёрдамида амалга оширилган.

6. Масс селектив детекторли газ хроматография усулини қўллаган ҳолда on-line режимида божхона экспертизасини автоматлаштиришнинг ташкилий механизмини жорий этиш тавсия этилди ва электрон декларациялашда товарларнинг ТИФ ТН боғланишларини тавсифлаш ҳамда божхона экспертизаси тўлиқлигини назорат қилишга имкон берувчи ахборот матрицалари қўлланган алгоритм тавсия этилди.

7. Божхона экспертизасининг on-line тартибда ишловчи маълумотлар базаси таркиби ишлаб чиқилиб, маълумотлар базасининг 14 та жадваллари

орасидаги реляцион боғланишлар моҳиятидан келиб чиқиб, маълумотлар базасини амалиётда фойдаланиш тавсия этилди.

8. Амалдаги норматив хужжатлар асосида бир товар учун божхона экспертизасини ташкил этиш бўйича зарур бўлган вақтни аниқлаш юзасидан таҳлилий хронометраж ўтказилди. Бу жараён учун ўртача сарфланадиган вақт 755 минутни ёки иш соати ҳисобида (1 суткада 8 соат ёки 480 минут) 1,57 иш кунига тенг вақт талаб этилиши аниқланди. «Божхона экспертизаси» автоматлаштирилган ахборот тизими ҳамда хроматография усулини on-line режимида уйғунликда қўллаш орқали эса ўтказилган таҳлилий хронометраж натижаларига кўра божхона экспертизасини амалга ошириш жараёни учун сарфланадиган вақт 386 минутни ташкил қилган ҳолда, экспертиза ўтказиш жараёнини 48,9%га қисқартиришга эришилиб, тадбиркорлар томонидан бир йилда божхона омбори учун сарфланадиган 1,2 млрд. сўм маблағлари иқтисод қилинишига эришилганлиги сабабли, ушбу тизимдан божхона амалиётида тўлиқ фойдаланиш тавсия этилди.

9. Худудий божхона бошқармаларида «Божхона экспертизаси» автоматлаштирилган ахборот тизими ҳамда on-line режимида хроматография усулини уйғунликда қўллаш йўлга қўйилди. Бу жараён тўлиқ электрон амалга оширилиши натижасида бир йилда иқтисод қилинган қоғоз 1,14 тоннани ташкил этди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.28.03.2018.К/Т.04.02 ПО ПРИСВОЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

ХАКИМОВА ФАЗИЛАТ АБДУСОБИРОВА

**ОРГАНИЗАЦИОННЫЙ МЕХАНИЗМ АВТОМАТИЗАЦИИ
ТАМОЖЕННОЙ ЭКСПЕРТИЗЫ В РЕЖИМЕ ON-LINE
С ПРИМЕНЕНИЕМ МЕТОДОВ ХРОМАТОГРАФИИ**

02.00.09-Химия товаров

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКОМ НАУКАМ**

Ташкент – 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2017.3.PhD/Т383

Диссертация выполнена в Ташкентском химико-технологическом институте. Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Ученого совета по адресу www.tkti.uz и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель:

Пулатова Лола Таирхановна,
доктор технических наук, доцент

Официальные оппоненты:

Хўжаев Вахобхон Умарович
доктор химических наук

Сманова Зулайхо Асаналиевна
доктор химических наук, профессор

Ведущая организация:

Андижанский государственный университет

Защита диссертации состоится «___» _____ 2018 года в ___ часов на заседании Научного совета DSc.28.03.2018.К/Т.04.02 при Ташкентском химико-технологическом институте (адрес: 100011, г. Ташкент, Шайхантахурский район, ул.А.Навоий. 32. Тел.: (99871)244-79-21; Факс: (99871) 244-79-17. e-mail: tkti_info@edu.uz).

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Ташкентского химико-технологического института за №____. с которой можно ознакомиться в ИРЦ (адрес: 100011, г. Ташкент, Шайхантахурский район, ул.А.Навоий. 32. Тел.: (99871)244-79-21

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2018 года.
(реестр протокола рассылки № ___ от «__» _____ 2018 г)

Ш.А.Муталов

Председатель научного совета по
присуждению учёных степеней, д.х.н.

Х.Л.Пулатов

Ученый секретарь научного совета по
присуждению учёных степеней, к.т.н.,
доцент

Д.А.Рахимов

Председатель научного семинара при
Научном совете по присуждению
учёных степеней,
д.х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В последнее время, в мире большое внимание уделяется совершенствованию деятельности таможенных экспертных лабораторий на основе разработки и внедрения эффективных экспресс-методов анализа, позволяющих установить групповую принадлежность товаров. В этой связи, в развитых странах, особой задачей является разработка компьютеризированных методов хроматографического разделения, совмещённого с автоматизированными информационными системами, что позволяет решать стратегические задачи страны, связанные с защитой экономического суверенитета, обеспечением ее безопасности и борьбы с незаконным оборотом наркотиков и контрафактных товаров.

В мире осуществляются научные исследования, направленные на совершенствование физико-химических методов анализа в целях управления процессами контроля и идентификации товаров в местах пропуска через таможенную границу, разработку методов выявления информационных факторов в области систем управления рисками. В этой связи, особое значение уделяется исследованиям, посвящённым разработке и совершенствованию способов исследования структуры неизвестных веществ в экспертных лабораториях с применением газохроматографического определения с масс-спектрометрическим детектированием, сочетающее в себе возможность проведения высокоселективного разделения исследуемых смесей, возможность идентификации неизвестных веществ по сигналам фрагментарных ионов в масс-спектрах.

В настоящее время, в Республике Узбекистан в области химии и таможенных органах страны уделяется особое внимание внедрению инновационных технологий, реализации высокоэффективных системы контроля за качеством ввозимой продукции на основе физико-химических методов анализа, в том числе созданию систем усовершенствованного управления качеством проведения таможенной экспертизы в режиме on-line. В стратегии развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы предусматривается «...либерализация и упрощение экспортной деятельности, диверсификация структуры и географии экспорта, расширение и мобилизация экспортного потенциала отраслей экономики и территорий»¹, создание свободных экономических зон, промышленных парков и малых промышленных зон, повышение эффективности существующих зон, при этом существенно важным вопросом является организация научных исследований по повышению качества проводимых экспертных исследований на базе совмещённого моделирования элементов автоматизированной системы управления с применением хроматографических методов анализа в режиме on-line.

¹Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №УП-4947 «О стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан»

Данное диссертационное исследование в определённой степени служит выполнению задач, изложенных в Указах Президента Республики Узбекистан №УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, №УП- 5414 «О мерах по коренному улучшению деятельности органов Государственного таможенного комитета Республики Узбекистан» от 12 апреля 2018 года, Постановлении № ПП-3665 «Об организации деятельности органов Государственной таможенной службы Республики Узбекистан» от 12 апреля 2018 года, а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики VII «Химические технологии и нанотехнологии» и IV «Развитие информации и информационно-коммуникационных технологий».

